

Қайсидир бир китобда «3 жойда фаришта инсонни тарк этади» деб эшитгандим.

21:19 / 27.04.2017 5710

Қайсидир бир китобда «3 жойда фаришта инсонни тарк этади» деб эшитгандим. Кейин эса ўша китобни топа олмадим. Агар мумкин бўлса фаришта инсонни қаерда ва нега тарк этиши ҳақида айтиб берсангиз.

Қайсидир бир китобда «3 жойда фаришта инсонни тарк этади» деб эшитгандим. Китобда қандай қилиб эшитади мен билмадим энди бунди. Қайсидир бир китобда «3 жойда фаришта инсонни тарк этади» деб эшитгандим, ўқиган эдим деса бошқа гап эди. Лекин китобдан эшитиш бу янгилик, кейин ўша китобни топа олмадим. Демак бу ерда бир китоб деб бировдан эшитгану, ўша китобни ўқимоқчи бўлган топа олмапти экан, бу ҳам тўғри. Энди шуни қандай маъносида, бу ерда фаришталар инсонга нисбатан бириктирилган фаришталар бор, доим "Ҳафаза" дейилади уларни. Инсонни муҳофаза қилиб юрадиган, унга бириктириб қўйилган фаришталар бор, буларнинг инсондан йироқлашишига Пайғамбаримиз (С.А.В.) дан келган ҳадис бўйича "инсон қазои ҳожат қилиб таҳоратхонага кирганда ва жинсий алоқа пайтида фаришталар узоқлашиб туради" деган ҳадиси шариф бор. Бошқа ҳадиси шарифларда демак фаришталар сурат бор жойга кирмаслиги, ит бор жойга кирмаслиги тўғрисида ривоятлар бор. Мана шуларни жамлаб айтиш мумкин, яна бошқа ҳадислар бўлиши мумкин бу маънода.